ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
АРНАСОЙ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
**ҚАРОРИ**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ARNASOY TUMANI
HOKIMI
**QARORI**

2019 йил «08» 03 742-сон Арнасой шаҳарчаси.

**Арнасой туманидаги транспорт воситаларини мажбурий Техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1–2-сон, 17-модда) 18-бандига асосан:**

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ҳудудидаги юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги ўтказиш муддати 2019 йил 1 мартдан 30 июнгача, жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари учун 2019 йил 1 мартдан 31 августгача белгилансин. .

2. Техник кўригини ўтказиш жадвали 1-иловага, техник кўрик ўтказиш бўйича комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Автотранспорт воситаларига эга бўлган барча корхона, ташкилот, муассаса, хусусий корхоналар раҳбарлари ва шахсий транспорт воситалари эгалари мавжуд транспорт воситаларини белгиланган муддатда техник кўригидан ўтказилишини таъминласин.

4. Туман ИИБ ЙҲХБ (Ш.Алимов)га 2019 йил учун автотранспорт воситалари техник кўриги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, техник кўрикни белгиланган тартибда ўз вақтида ўтказиш ҳамда кўрик натижалари тўғрисида туман ҳокимлигига ахборот бериш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

**Туман ҳокими:** **Ж. Бердибоев**

**Арнасой тумани худудида жойлашган корхона ва ташкилотларга тегишли давлат тассаруфидаги хамда фуқароларга тегишли бўлган шахсий автомабиллари тўғрисида**

# М А Ъ Л У М О Т

| Тегишлилиги | Сони | Алохида белгилар |
|---|---|---|
| Давлат тассаруфидаги автомашиналар | 87 | 01.2019 йил холатига |
| Фуқароларга тегишли бўлган автомашиналар | 1078 | 01.2019 йил холатига |
| Жами | 1165 | |

Арнасой туман ИИБ бошлиғи
подполковник Ё.Акабоев

«05» 03 2019

№263-сонли карорига

илова

Арнасой туман худудида халк хужалигида фойдаланилаётган барча турдаги транспорт воситаларини, фукароларга тегишли булган енгил автомобиллар, мотоцикллар ва тиркамаларни 2019 йилда техник кўрикдан утказиш комиссияси

## ТАРКИБИ АЪЗОЛАРИ:

| | | |
|---|---|---|
| 1. Ш.Алимов | - | туман ИИБ ЙХХГ катта нозири, комиссия раиси |
| 2. А.Уалуғмуродов | - | харакат хавфсизлиги мухандиси, комиссия раиси ўринбосари |
| 3. Б.Алимов | - | туман мудофа ишлари бўлими бошлиғи |
| 4. З.Турсунов | - | туман Агросуғурта идораси бошлиғи |

Изох: Комиссия аъзолари техникаларни кўрикдан утказиш давомида кўрик тугагунга кадар кўрикда катнашишлари шарт.